

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида тарихий китоблар кўрғазмаси очилди

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китоб-музейнинг навбатдаги кўрғазмасига Шарқ санъатининг турли соҳаларига бағишланган тарихий китоблар қўйилди. Бу ҳақда кутубхонанинг расмий сайтида [хабар берилди](#).



Кўрғазмадан ўрин олган манбалар XIX аср боши ва XX аср ўртаси нашр санаси билан қайд этилган. Кўрғазма асосан китоб ва альбомлардан ташкил топган. Экспозиция Шарқ амалий санъати, бадиий хунармандчилик, тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларига бағишланган.

Музейда қизиқарли китоб ва альбомлар билан бирга машҳур француз олимлари Эмил Присс д'Авенн, Албер Гае, Зигфрид Bing, Луи-Матё Лангле, Генри-Рене де-Аллеман; немис олимлари Фридрих Сарре, Гейнрих Долмеч, Эрнст Кон-Винер, Якоб Таубе, Карл Вёрман, Эрнст Кюнел; рус олимлари Тюляев Семен Иванович, Гогел Федор Владимирович, Бобринский Алексей Алексеевич, Денике Борис Петрович ва бошқаларнинг асарлари алоҳида ўрин олган.